

Ҳамиша намозни ўз вақтида ўқишга ҳаракат қиламан.

20:57 / 27.04.2016 4168

Ҳамиша намозни ўз вақтида ўқишга ҳаракат қиламан. Намоз вақтини интиқлик билан кутаман ва назаримда намоз вақти киргандек бўлади. Лекин намозни бошлаганимдан сўнг азон эшитилади. Шундай пайтда нима қилишни билмайман. Намозни бузиб, бошидан ўқиш керакми ёки давом эттирса ҳам бўладими?

Аввало уйингизга азон эшитиладиган бўлса, азон айтилаётган масжидда намоз ўқишингиз керак, буни яхши билиш керак. Жамоатга бориб намоз ўқишингиз керак, бу бир. Иккинчидан ҳамма кишиларимиз, жуда кўпчилик одамлар намозни вақти тўғрисида тўлиқ тушунчага эга эмаслар. Намозни вақтини бугунги кундаги тақвимлардаги вақт деб билишади. Мисол учун тақвимда соат бирда пешин намози бўлади деб қўйилган. Ана одамлар шуни соат бирдан олдин ҳам бўлмас эмиш, кейин ҳам бўлмайди деган тушунчалари бор. Йўқ ундай эмас намознинг вақти фарз бўлганда, белгиланганда соат деган нарса йўқ эди. Жаброил а.с. фаришта Пайғамбаримиз с.а.в. га намозни таълимларини бериб ўргатганларида икки кун кетган. Биринчи куни бешов намозни ҳам дастлабки вақтида ўқиб кўрсатганлар. Иккинчи куни бешов намозни ҳам охириги вақтида ўқиб кўрсатганлар. Ва кейин мана беш вақт намозни вақти кечаги вақт билан бугунги вақтнинг орасидадир. Ана энди ана шу маънода қарайдиган бўлсак, мисол учун бита намозни олайлик пешин намозини. Пешин намозининг аввалги вақти қуёш қиёмдан оққанидан сўнг. Қиём деганимиз қуёш тикка келиб зенитда турганлигини қиём дейилади. Ана шу қуёш энг туш вақтини ўртасига келиб қиёмда турганида, ҳар бир нарсага қаралса сояси энг қисқарган пайти бўлади. Ана энди ўша қуёш қиёмдан оққандан кейин ҳалиги қисқарган соя узайишни бошлайди. Ана шу соянинг узайишининг бошланиши пешиннинг вақти кирганлигидан далолат беради. Ана шу пайтда пешин намозининг вақти киради. Энди пешин намозини давоми эса ҳар бир нарсанинг сояси ўша қиём вақтидаги соясини ҳисобга олмасдан, ўзининг қоматига, бўйига икки баробар чўзилгунча давом этади. Бу энди бир қанча вақт бўлади. Ана бу нарсани тушуниш керак, ана шу тушуниб олгандан кейин ундан кейин нима бўлади. Бошқа нарсаларни намоз вақтидаги тушунчаларни тўлиқ тушунимиз ҳам мумкин. Ана энди ҳар бир нарсанинг сояси ўзига икки баробар бўлгунча пешин

вақти турди. Икки баробар бўлиб ундан биров ўтиши билан аср вақти киради. Ана энди асрни вақти қуёш ботгунича давом этади. Шу тарзда ҳар бир намознинг вақти маълум бир соатларда давом этади. Ана энди ўзинсон азон эшитилган жойга бориб намоз ўқиши керак эдию, мана бу савол эгасига ўхшаб уйда ўқийдиган бўлиб қолди. Уйда ўқиётганида азон айрилиб қолди, нима қилади? Ана азон қачон айтилади шуни билиш керак. Азон агар ўша қиёмдан озгина қуёш оғиши билан айтиладиган бўлса одатда албатта у одам нотўғри пайтда намоз ўқиётган бўлади, намозини қайта ўқиши керак. Агар азон ана шу қиёмдан қуёш оққанидан бир ўн дақиқа, ўн беш дақиқа, йигирма дақиқа кейин айтиладиган бўлса унда намозининг қайта ўқишини кераги йўқ. Чунки вақтида ўқиётган намоз бўлади, мана шу яхши билишимиз керак.